

**ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИДА
МАТНШУНОСЛИК ВА
МАНБАШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ўзбек филологиясида матншунослик ва
манбашунослик муаммолари**

**III Республика илмий-амалий анжумани
материаллари**

Наманган, 2020 йил 12-13 июнь

Наманган - 2020

Мазкур тўпламда “Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари” мавзусида республика миқёсида ўтказилган III анъанавий илмий-назарий анжуман материаллари жамланган. Тўпламдан республикамиз ва хориж олимларининг матншунослик ва манбашунослик муаммоларига бағишланган мақолалари, шунингдек, ёш тадқиқотчилар, магистрант ва икtidорли талабаларнинг илк тадқиқотлари ҳам ўрин олган.

Масъул муҳаррир:

Фаридахон КАРИМОВА, филология фанлари номзоди, доцент

Муҳаррирлар:

Абдулҳамид Курбонов, филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Дилфуза Тожибоева, филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Озода Болтабоева, филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Такризчилар:

Носиржон УЛУҚОВ, филология фанлари доктори, профессор

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ, филология фанлари номзоди, доцент

НамДУ илмий-техник кенгаши йиғилишининг 2020 йил 10 июндаги 6- сонли қарорига мувофиқ нашр этишга тавсия қилинган.

Тўпламдан ўрин олган мақолаларнинг илмий ва услубий жиҳатларига муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

1.	Сирожиддинов Ш.	Матншуносликнинг назарий муаммолари.....	3
2.	Binnatova A.Ü.	Azərbaycan elminin Akademik isa həbibbəyli fenomeni.....	9
3.	Имомназаров М.	Алишер Навоийнинг ilk девонлари матншунослиги.....	14
4.	Ҳомидий Ҳ.	Миллат фидойиси.....	24
5.	Муҳиддинов М.	Хусрав Дехлавий сўз фазилаги ҳақида.....	28
6.	Ҳаққул И.	Шеърӣ матн ва образ маънодорлиги.....	34
7.	Болтабоев Ҳ.	Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготи-т-турк” асари таржимаси матнини қайта яратиш тажрибасидан.....	48
8.	Жабборов Н.	Матн тарихини ўрганиш – илмий ҳақиқат мезони.....	53
9.	Салоҳий Д.	Ўзбек манбашунослиги соҳасининг заҳматкаш вакили.....	62
10.	Тўхлиев Б.	“Девону луготи-т-турк” мақоллари манбашунослик омили сифатида.....	68
11.	Rahmonov V.	O’lmakdin o’zga chora yo’q!.....	74
12.	Шодмонов Н., Равшанов О.	Чекка ҳудудларда яратилган адабий манбаларни ўрганиш муаммолари (XIX асрнинг охири ва XX аср боши Қашқадарё воҳаси манбалари мисолида)	77
13.	Эркинов А.	Алишер Навоий девонларининг аниқланган янги нусхалари (2010–2020 йиллар)....	88
14.	Nadirhan Hasan	Ahmed Yesevi’ye göre fakr.....	96
15.	Халлиева Г., Адамбаева Н.	Огаҳий асарларининг Санкт-Петербург кутубхоналаридаги нусхалари.....	110
16.	Қувватова Д., Соҳибова З.	Алишер Навоий шеъриятида фасллар ҳақидаги байтлар таҳлили.....	112
17.	Жўраев Ж., Мансуров С.	Ғафур Гулом уй-музейидаги Мирзо Бедилга оид манбалар.....	119

18.	Юсупова Д.Р.	“Арузи андалусий” – “Фунун ул-балоға” учун асос бўлган назарий манба сифатида.....	123
19.	Пардаев Қ.	Муқимий ижодига янги ча муносабатлар.....	128
20.	Адизова И.	Жаҳонотин Увайсий шеърлятида истиора санъатининг ўрни.....	133
21.	Каримова Ф.	Форс дебъчанавислиги тарихига доир.....	139
22.	Сулаймонов М.	Матншуносликнинг долзарб муаммоларидан бири.....	147
23.	Содиқов З.	Ғайбулла Ас-салом – навоийшунос.....	152
24.	Hayitov Sh., Ahmadova M.	Soʻz maʼnolaridagi tafovutlar.....	158
25.	Sabitova T.	Jomiy va Navoiy.....	162
26.	Сафарбоев М., Рахимов С.	Мухлис Намангонийнинг диний-ирфоний карашлари.....	169
27.	Эшонов С.	Кўпнуслик кўлзма девонлар тавсифи ва таслифи.....	174
28.	Қўлдашев Ш.	«Таворихи манзума» – таърих илмига оид муҳим манба.....	177
29.	Амонова З.	Насимий шеърларининг таржималари хусусида.....	181
30.	Safarova N., Ismatova M.	Alisher Navoiy “Farhod va Shirin” dostoni nashrlarining qiyosiy tahlili.....	185
31.	Махмудов Ж.	Аҳмад Табибийнинг наът мухаммаси хусусида.....	189
32.	Қурбонов А.	Фироқу рашқу хажру оҳ ила дард.....	193
33.	Асадов М.	Лирик ифода ва жанр имкониятлари.....	200
34.	Abdugʻafurova D.	Anbar olin ayollar masalasida.....	208
35.	Жураева Х. Б., Орифова О.	Перелистая рукописе.....	215
36.	Сулаймонов М.	Матншунослик ва кўшиқчилик санъати....	219
37.	Сулаймонов М.	“Қадди баланд э” кимнинг шеъри?.....	224
38.	Намроева О.	Mumtoz qofiyaga oid manbalar tasnifi.....	229

6. Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992.

7. Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Автореф. дисс. ... доктора филол. наук. – Душанбе, 1997.

8. Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука. 1991.

9. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балого (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Elliott №-127 рақамли қўлёзма).

10. Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991.

11. Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисоаларнинг қиёсий таҳлили. – Т.: Ta'lim-media, 2019.

12. Ҳайитметов А. Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – № 1.

МУҚИМИЙ ИЖОДИГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР

*Қўлдош Пардаев,
ТошДўТАУ доценти, филология фанлари доктори*

Миллий адабиётимиз тарихида XIX аср охири – XX аср бошлари Қўқон адабий муҳити ижодкорлари адабий мероси алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу адабий муҳит намояндалари ижодини ўзбек матншунослиги мезонлари асосида ҳолис ва илмий асосда ўрганиш долзарб вазифаларидандир. Бу адабий муҳитнинг забардаст намояндаси Муҳаммад Аминхўжа Муқимий асарлари ҳар доим мутахассислар диққат марказида бўлган. Маълумки, шоир ижод намуналари юзасидан кўплаб тадқиқотлар яратилган. Таассуфки, уларда Муқимий асарлари шўро даври мафкураси талабига кўра бир томонлама талқин қилинган. Натижада шоир назмий мероси ўзининг асосий моҳиятидан узоқлаштирилди. Яъни асарлари таҳрирга учради, қисқартирилди, манбаларда қолиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, шоир адабий меросини янгича мезонлар асосида ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш заруратини кун тартибига қўяди.

Шўро даври мафкурасига кўра муқимийшунос олимлар тадқиқотларида шоир ижодининг қуйидаги жиҳатлари атайлаб бузиб кўрсатилди. Биринчидан, шоирнинг диний-тасаввуфий руҳдаги аксарият шеърӣ асарлари нашр этилмай қолди.

Иккинчидан, Муқимийни бой, савдогар, қозиларга қарши қилиб кўрсатиш тадқиқотлар учун устувор вазифа этиб белгиланди. Учинчидан, Муқимийнинг "Сарой адабиёти" ва анъаналарига бўлган муносабати нотўғри талқин қилиниб, улардан синфий кураш аломатлари изланди.

Шоирнинг турли жанрлардаги лирик шеърлари сингари "Даруго муқимиз", "Ҳажви Бектурбой", "Дар мазаммати замона", "Хўқандлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айткон шеъридур", "Вексил", "Дар мазаммати курбақа", "Саёҳатнома" каби кўплаб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги ҳажвий асарларининг таҳрир қилиниб, қисқаришлар билан нашр этилиши бунинг исботидир. Жумладан, Завкийнинг "Вексиль" сарлавҳали газалига Муқимий мухаммаси шоир асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида (377-саҳифа) 5 банд ҳолда учрайди. ЎзФА ШИда сакланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 59^а-саҳифасида эса 6 банд. Нашрдан тушириб қолдирилган банд қуйидагича:

*То ўтди Русийёга Фарғонанинг хирожси,
Вожегун бўлуб йиқилди хонларини тахту тожси,
Ҳар лаҳзаи дигар кун гайби фалак мизожси,
Қолди ривож олмай Хўқанд зарб ройижеи,
Бўлди заиф ислом, кофир замони чиқди.*

Хўш, бу мухаммаснинг ёзилишига сабаб нима эди? Маълумки, чор Россияси ўзбек халқи бошига қанчадан-қанча огир кунларни солди. Шундай экан, бу кулфатлар нафакат тарихчилар, балки давр шоирлари асарларида ҳам ҳаққоний тасвирланди. Муқимийнинг мазкур мухаммаси чор мустамлакачиларининг ўз манфаати йўлида юргизган пул ислоҳоти ҳақида эди. Нашрдан тушириб қолдирилган мисраларда чор мустамлакаси ўрнатган қонун-қоидаларга қарата айтилган шоир изтироблари акс этган эди. Умуман, мухаммасда халқ пулининг истеъмолдан чиқиши, натижада улуснинг таланиши, нарх-навонинг ошиши, савдо-содик ишларидаги тартибнинг бузилиши ҳақида сўз юритилади.

Муқимийнинг "Туркистон вилоятининг газети" 1903 йил 15 январ, 2-сониди 31 байтли "Хўқандлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айткон шеъридур" сарлавҳали ҳажвий асари берилган. Негадир, барча Муқимий асарлар нашрида шеърнинг

номланиши “Воқеаи кўр Ашурбой хожи” деб номланган. Муқимий асарлар нашрида шеърнинг 2-, 7-, 15-байти қуйидагича берилган:

*Ашурбойдин эшитинг қиссае,
Аё эй бу Фарғонада номдор.
Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,
Ашур кўр ўзи ҳам бўлуб беқарор.
Секинроқ гапир, мен Ашурбой – деди.
Қочиб ўлтурибман, сенга интизор.*

Мазкур байтларни “Туркистон вилоятининг газети”да эса бу тарзда ўқиймиз:

*Эшитинг ўшал бойдин қиссае,
Аё эй бу Фарғонада номдор.
Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,
Оёғида кишан қочурурга озор.
Секинроқ гапир, мен фалонбой – деди.
Қочиб ўлтурибман, сенга интизор.*

Кўриниб турибдики, бирон жойда Ашурбой образи йўқ. Шеър мисралари ноширлар томонидан таҳрир қилиниб ўзгартирилган. Шундан сўнг, хажвий шеърга “Воқеаи кўр Ашурбой хожи” деб сарлавҳа қўйилган. Шеърнинг 26-байти шўро даври мафкурасига кўра қуйидагича қайта ёзилган:

*Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,
Тоғиб бой сўзи бунда зўр эътибор.*

Байт ҳақида адабиётшунос А. Абдуғафуров бундай ёзган эди: “Ушбу сатирада алоҳида диққатга сазовор яна бир байт бор. Унда шоир “бой сўзи” “зўр эътибор” топишининг асл сабабларидан бирига – пул, олтиннинг у тузумда ҳал қилувчи ролига аниқ ишора этади. Ашурбой хожи “губор”ни ювиш учун барча амалдорга “нихоний” олтин-кумушлар (“сийму зар”)ни “сув каби” ишлатади, пора беради.¹ Бошқа муқимийшунослар фикри ҳам шунга мутаносиб. Аслида “Туркистон вилоятининг газети”да байт бундай эди:

*Эшонлар қолиб дукчини айбига,
Бу одам уятига аҳли тужжисор.*

Бундай таҳрир қилиниб, мисралари қайта ёзилган шеърый асарлар Муқимий асарлар нашрида кўплаб учрашини таъкидлаш

¹ Абдуғафуров А. Муқимий сатираси. Тошкент.: Фан, 1976. – Б.14.

керак. Бундай ҳолни шоирнинг “Дар мазаммати замона” сарлавҳали ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеъри мисолида ҳам кузатиш мумкин. Афсуски, шеър матни Муқимий асарлари табдил нусхаларида 10 байт ҳолда бўлиб, 7 байти тапилаб кетилган. Бу эса шоирнинг чор мустамлакасига бўлган танқидий қарашининг яширилишига олиб келган. Мисол учун, нашрлардан тушириб қолдирилган шеърнинг 2-, 3-бўлиб келувчи байтлари ЎзФА ШИда сақланаётган Муқимийнинг 1325- рақамли дастхат баёзида (120^а – саҳифа) қуйидагича келади:

*Тўлиб черкас, қизилбош, арманилар шаҳримиз ичра,
Муслмонлар таҳипо яхшилар кўздин ниҳон бўлди.
Ҳамият айлаб Аҳмаджон туриб тужжор аҳлидин,
Шижоатдин тапида ҳар сари муйи синон бўлди.*

Муқимий ижодига бирёклама ёндашувни шоирнинг туркум ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърий асарлари талкинида кўрамиз. Бу эса, Муқимийни бой, савдогар, қози ва дин пешволарига қарши қилиб кўрсатишда кузатилади. Мисол учун, шоирнинг “Саёҳатнома” асари талкини бунинг исботидир. “Саёҳатнома”нинг “Қўқондан Шохимардонга” қисмининг 8-банди барча Муқимий асарлари жорий нашрларида қуйидагича берилган:

*Унда бўлус Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилгон иши озор экан.*

Мазкур банд талкини ҳақида дастлаб адабиётшунос Ҳ.Ёкубов бундай ёзган эди: “Шоир бу ердан Дўрманча мавзуга ўтади. Бу ернинг бўлуи ҳам Исо саркордан сира қолишмайди. У, эртаю кеч кўкнори ичиб, бадмаст ҳолда юради ва бир неча мансабни ўз қўлига киритиб олган.¹” А.Абдугафуров фикри ҳам худди шундай: “Қишлоқдаги барча мансабларни эгаллаб олган амалдорларнинг золимлиги, “озор” бериши, “юрт”нинг эса “норози”лиги каби катта ижтимоий мазмун қуйидаги бандда тўғридан-тўғри яхлит ва дангал ифодаланган.²” Профессор Ғ.Каримов эса мазкур банд талқинига батавсиллироқ тўхталади: “Дўрманча қишлоғининг ҳокими ҳам ярамас феъл-атвори билан

¹ Ёкубов Ҳ. Демократ шоир. // Парк юлузи, 1953. №9. – Б. 99.

² Абдугафуров А. Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976. – Б.65.

Ҳожи Исодан қолишмайди. Шунинг учун у ҳам Муқимий танқидидан омон қолмайди. Дўрмончада волость ҳокими (“бўлис бошлиғи”) бўлиб турган Ғози исмли киши золимлик билан шухрат қозонган, эл-юрт нафратига учраган эди.¹”

Кўринадики, деярли муқимийшунос олимлар фикрлари бир хил. Қандай қилиб бўлмасин қози, муфти, хожиларга салбий муносабат билдирилиш керак. Энди мазкур банднинг аслиятдаги (ЎзФА ШИда сақланаётган 6352- рақамли баёз, 181^б) бандини келтирамиз:

*Анда бўлус ҳожи деди,
Ҳам муфти ҳам қози деди,
Юрти ҳамма рози деди,
Бечора беозор экан.*

Умуман, давр талаби нуқтаи назаридан банднинг барча мисралари таҳрир қилинган. Натижада муаллифнинг муфти, хожи ва қозилар ҳақидаги рост гаплари ёлғонга дўнган, матн аслиятдан мутлақ йироқлашган. Аслида эса мазкур бандда Ғози образининг ўзи йўқ.

Муқимийшунослар тилга олган бадкор Ҳожи Исо ким? Бу саволга жавоб топиш учун мазкур асарнинг 5-бандига эътибор қаратамиз. Муқимий асарлари жорий нашрларида банд қуйдагича келади:

*Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедониши,
Бир “Қўштегирмонлик” киши,
Хўжа Исо бадкор экан.*

Аслиятда:

*Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бир дониши,
Бир “Қўштегирмонлик” киши,
Хўжа Исо бекор экан.*

Таъкидлаш жоизки, Муқимий асарлар нашрининг (Ғафур Ғулом. Муқимий. (Танланган асарлар). –Т.: Ўздавнашр, 1942. – Б.149) баъзиларида 4-мисраси “Хўжа Исо саркор экан” шаклида учрайди. Кўринадики, банднинг 2-мисрасидаги “бир дониши” сўзининг “бедониши”га айлантирилиши муаллиф бадиий нияти бутунлай тесқари талқин этилишига олиб келган. 4-мисрадаги

¹ Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – Б. 121.

“бекор” сўзи “бадкор”, “саркор” тарзида таҳрир килиниши мисралар мазмунига мос эмас. Банд мисралари мазмунидан маълумки, Муқимий сўраяпти. Бу жойнинг мингбошиси ким? Шунда бир дониш одам бир “Кўштегирмонлик” киши эканлигини айтиб, Хўжа Исо мингбошилиқ лавозимидан бўшагани таъкидланмоқда.

Хуллас, Муқимийнинг “Вексиль” мухаммаси ўз моҳиятидан узоклаштирилиб талқин этилганлиги, “Дар мазаммати замона”, “Саёҳатнома”, “Хўкандлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айткон шеъридур”, “Ҳажви Бектурбой” сарлавҳали асарлари матни таҳрир килиниб, жорий нашрлардан тушириб қолдирилган бандлари янгича мулоҳаза юритиш, муҳим умумлашма хулосалар чиқариш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Абдуғафуров А. Муқимий сатираси. Тошкент.: Фан, 1976.
2. Каримов Ғ. Муқимий ҳаёти ва ижоди. (Монография). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
3. Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1987.
4. Ёқубов Х. Демократ шоир. //Шарқ юлузи, 1953. №9.

ЖАҲОНОТИН УВАЙСИЙ ШЕЪРИЯТИДА ИСТИОРА САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

*Иқболой Адизова,
ТошДЎТАУ доценти, филология фанлари номзоди*

Жаҳонотин Увайсий шеърияти мазмун, ғоя, ифода шакли нуқтаи назаридан ўзига хос хусусиятларга эга нодир адабий мерос намунасидир. Унинг асарлари фақат мазмун жиҳатдан эмас, балки бадиий тасвир мутаносиблиги, изчиллиги, маъно билан шаклнинг уйғунлиги, тимсоллар оламининг ранг-баранглиги, бадиий санъатларнинг қўлланилиш тамойиллари жиҳатидан ҳам ноёбдир. Шоира ижодининг мазкур хусусиятларини ўрганиш асарлари моҳиятини тўлиқроқ англаш имконини яратади. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақолада шоира услубининг шаклланишида истиора санъатининг ўрни ва вазифасини белгилашга ҳаракат қилдик.